

Олий таълим тизимида талабаларга “Логопедия” фанини сифатли ўқитишнинг самарадорлигини ошириш

Баҳадирова Зулфизар Азимбаевна
Халқаро Нордик университети
“Педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси
мустақил изланувчи
zuliya2029@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим тизимида талабаларга “Логопедия ўқув фанини ўқитишда” нутқ маданиятининг моҳияти, илмий йўналишининг сифати кўп жиҳатдан ўқитувчи маҳорати билан белгиланиши ва келгусида бўлажак мутахассисларни ўқитиш, таълим-тарбия беришда ҳам илғор ва сифатли таълим беришга асос бўла оладиган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Нутқ, товуш, диагностика, инклюзив таълим, ўқув дастур, таълим стандарти

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентабрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” қонуни малакатимизда узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ қилишнинг илмий - услубий асоси бўлиб, унинг негизида комил инсон ва етук малакали рақобатбардош мутахассис тайёрлаш вазифаси туради. Белгиланган касбий билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштирмасдан туриб, етук кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Мустиқил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялашга доир ўқув фаолияти инсонда муваффақиятли меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятларини таъминлаш мақсадида уни ўқитиш ва тарбиялашга қаратилган мақсадли фаолиятдир.

Ўқув фаолиятини ҳар жиҳатдан ривожлантириш, кадрлар тайёрлашнинг мазмунини устувор вазифаларга асосланиб белгилаш, сифатли халқаро стандартларга мос мутахассислар тайёрлаш мазмуни ва шароити юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига тегишли мутахассисликларни қайта кўриб чиқиш ва малакасини оширишга, таълим жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, таълим муассасаларида ДТС (давлат таълим стандарти), малака талаби, ишчи - ўқув режаси ва дастурларни тизимли равишда такомиллаштириш асосида сифатли кадрлар тайёрлашга асосий эътибор қаратилганидан дарак беради. Бундан кўриниб турибдики, таълимни ташкил этишда сифатли таълим бериш давлатимиз равнақини белгиловчи омиллардан бири бўлиб, олиб бориладиган тадқиқотларда ҳам бу масалага алоҳида инноватсион технологиялар асосида ёндашувни талаб қилади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, талабаларни баҳолаш мезонларини давр талабига мос шаклда

ишлаб чиқиш, етакчи олий таълим муассасаларига эркинлик бериш асосида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун мустақил, замонавий инноватсион технологияларни жорий этишга асосланган, талабаларни фикрлашга йўналтирадиган ўқув режа ҳамда дастурларни амалга ошириш кадрлар муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълимда махсус педагогика (дефектология) йўналиши учун ҳам қабул квоталари оширилганлиги, аҳоли ўртасида логопедик хизматнинг оммалашиб бораётганлиги туфайлидир. Шунга мос равишда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим муассасаларида ҳам логопед– мутахассисларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясида ҳам таълимни тизимли ислоҳ қилиш, мустақил фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш, олий таълимни модернизация қилиш, инноватсион таълим технологияларини фанга киритиш, ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказиш, халқаро стандартларга мос келадиган олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган бир қанча чора - тадбирлар қабул қилинди.

Мазкур қарорлар нафақат таълим тизимига, балки жамиятнинг барча соҳаларининг ривожига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади. Концепцияда белгиланган вазифаларга асосан “Логопедия” фанидан ҳам янги ахборот-коммуникатсия ва инноватсион технологияларга асосланган электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг кўламда жорий этишнинг самарали тизимини ривожлантириш юзасидан олиб бориладиган ишларни режалаштириш давр талабидир. Бўлажак логопедларга нутқида камчилиги бор болаларнинг психологик жараёнлари (идрок, диққат, хотира, ақлий фаолият, ҳиссиёт, фазовий тасаввурлар) га доир маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини сабабли кадрлар тайёрлашда ушбу муҳим жиҳатларни ёдда тутишларини уқтириб бориш, сифатли кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш зарур.

Ҳозирги кунда нафақат мамлакатимизда, балки бошқа давлатларда ҳам нутқий ҳамда ривожланишида ўзига хос бузилишларга эга, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган тарбияланувчилар, ўқувчилар сонининг салмоқли даражада ортганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат тор доирадаги мутахассисларга, хусусан махсус педагоглар: логопед, олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог ва бошқа соҳа эгаларига бўлган талабни ошишига олиб келади.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг турфа кўринишлари билан педагогик жараённи ташкил қилиш умумтаълим муассасаларидаги жараёндан фарқланади. Бунда махсус педагогга қўйиладиган малака талаблари ўзгаради, яъни улар жисмоний ёки руҳий ривожланишида камчиликлари бўлган болаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишлари лозим бўлади.

В.А.Сластениннинг фикрича, “Таълим ўқитувчининг ўқувчиларга тайёр билимларни “етказиш” жараёни эмас, балки таълим берувчи ва таълим олувчилар орасидаги алоқа, муносабат; шахс ривожланиши мақсадида педагогик жараёни рўёбга чиқариш; ўқувчининг ташқи ва ички фаоллигини рағбатлантириш ва бошқариш жараёнидир”.

Давлатимиз истиқболи баркамол ёшларнинг қўлида эканлиги ва улар давлатимиз томонидан қўйилаётган барча талабларга тўлиқ жавоб бериши таълим соҳаси ходимларининг ўз касбий салоҳиятини юксак даражада эгаллаши ва эъозлашига боғлиқдир. Илғор қадамлар билан олға бораётган мустақил давлатимизга ўқимишли, ҳар томонлама етук, баркамол шахслар керак. Бундан кўриниб турибдики, таълим тизими ходимларининг замон билан ҳамнафас бўлиши ва ўз фаолиятини янгиликлар билан ҳамоҳанг тарзда юритиши талаб этади. Жаҳон педагогик тажрибасида, замонавий педагогик технологиялар талабаларни фанларга қизиқтириш, мустақил фаолиятида фаолликларини оширишда имконияти чексиз эканлиги ўз тасдиғини топган.

Таълим муассасасида бир хил даражада юқори натижага эришишга мўлжалланган таълим технологияси “Қандай ўқитиш керак?”, - деган саволга жавоб бериши билан методологиядан фарқли ўлароқ, ўқувчиларнинг фаолиятини ташкил этишнинг мазмуни ва усуллари мажмуини англатади.

Методология-назарий қоидаларни амалга ошириш усуллариининг хилма-хиллигини, ўзгарувчанлигини таъминлайдиган жараён бўлиб, мақсадга эришиш кафолатини англатмайди. Бошқача айтганда, методология ўқитувчига кафолатланган натижаларни ваъда қилмайди. Методология “Нима ўргатиш керак? ” , “Нега ўргатиш керак? ” ва “Қандай ўргатиш керак? ” – деган саволларга жавоб беради. Шунга кўра, методология маълум бир ўқув интизоми доирасидаги фаолият ҳисобланади. бўлажак логопедларни ўқитишни самарали ташкил этишнинг инноватсион технологияларини амалиёт давомида узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида қўллашнинг олишлари педагогик имкониятлари атрофлича ўрганилмоқда. Инноватсион технологиялар асосида мутахассилик фанларини ўқитиш, таълим ва тарбияни оптимал ташкил этиш шаклларида ҳисобланади. “Инноватция” сўзи-инглиз тилидан олинган бўлиб, бўлиб “янгиликни”, “ўзлаштириш”, “қандайдир янгилик киритиш”, “янгини жорий этиш” маъносида келади ва “янги” сўзи мазкур тушунчанинг ўзагини ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, “инноватсия” тушунчаси аниқ ҳолатни ифодамайди. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, инноватсия муайян тизимнинг ички қурилишини ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятдир. Таълим инноватсияси ҳақида мулоҳаза қиладиган бўлсак, бу тушунча “Инноватсион таълим” деб ҳам аталиб, илк бора “Рим клуби”да тилга олинган. Талабаларни мустақил, масъулиятли, ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шакллантириш уларни муваффақиятли ижтимоийлаштириш ва меҳнат бозорида ўз ўрнига эга кадр қилиб

етиштиришда инноватсион таълим муҳитини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Негаки, уни халқаро стандартларга мослаштириш жамиятда ёшларни муваффақиятли ижтимоийлаштиришнинг муҳим омилидир. Мазкур вазифанинг самарали ҳал этилиши, ўз навбатида, таълим жараёнини яхлит тизим сифатида модернизатсиялашни тақозо этади.

Бугунги кунда ўқув-тарбия жараёнининг у ёки бу таркибий қисми билан боғлиқликда педагогик инноватсиянинг қуйидаги технологиялари амалиётга татбиқ қилинмоқда:

- Таълим мазмунига оид инноватсияион ёндошиш;
- Ўқув-тарбия методикаси;
- Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;
- Таълим тизимини режали тарзда бошқариш.

Мазкур инноватсияион технологиялар фақатгина таълим самарадорлигини ошириб қолмасдан, балки бўлажак логопедларни инноватсион фаолиятга муваффақиятли тайёрлаш имкониятини ҳам юзага келтиради.

Инноватсион таълимни такомиллаштириш деганда қўлланилаётган мавжуд таълим усуллари ва янги ва кенг кўламли интерфаол усуллар, педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этади. Шу ўринда “Логопедия” фанини ўқитишда қўлланиладиган инноватсияион таълим технологиялари қуйидаги турларга бўлинади:

- фаолият йўналишига кўра: педагогик жараёнда таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган технология;
- киритилган ўзгаришлар таснифига кўра: асосий (радикал) комбинатсияланган инноватциялар, модификатцияланган технологиялар.
- ўзгаришлар кўламига кўра: тармоқ (локал), модулли, ўзлаштирилган технологиялар.

Маълумки, олий таълим шароитида талабаларнинг касбий тайёргарлиги коррекцион иш фаолиятини амалга оширишнинг яхлит тизими жараёнида шаклланади. Олий таълимнинг вазифаларидан бири кенг фундаментал билимга эга, ташаббускор, меҳнат ва технологиялар бозорининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан янги авлод мутахассисларини тайёрлаш ҳисобланади. Талабалар таълим билан бир қаторда, касбий фазилат сирларини: иш жараёнида болаларнинг психологик қобилиятларини ҳисобга олиш, уларни ўз кучига ишонтириш, машғулотларга ҳавасини уйғотиш, мавзу баёни вақтида диққатини тўла жалб қила олиш, мавзунини эса сақлаб қолиш йўллари (машқ, кўргазмали куруллардан фойдаланиш, мустақил иш, суҳбат, ўйинли технология, инноватсион технология) ўзлаштириб бориши ва бўлажак дефектологларни касбий фаолиятга тайёрлашда компетент ёндашувга алоҳида эътибор қаратиши тақозо қилинади.

Ўзбекистонда “Логопедия” фанига асос солган олим, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Муминова Лола Рахимовна томонидан яратилган “Логопедия”

ўқув қўлланмаси, “Нутқда оғир нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача муассасаларда коррекцион-логопедик ишни ташкил этиш” бўйича йўриқнома, “Нутқни текшириш ва ривожлантириш бўйича логопедик альбом”, “Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача ёшдаги болаларни логопедик текшириш ва ўргатиш” номли методик қўлланма ва ҳаммуаллифликдаги бир қатор дарсликлари нафақат олий таълим тизимида таҳсил олаётган бўлажак логопедлар учун, балки таълим тизимида фаолият юритаётган махсус педагоглар, логопедлар, тарбиячилар, психологлар, учун ҳам иш фаолиятларида болаларнинг нутқий ва руҳий ривожланишларида учрайдиган бузилишларни бартараф этиш, тузатиш ишларида методологик асос вазифасини ўтайди.

Бизнинг кундалик нутқимиз, муомаламиз фикр алмашув воситасидир. Маълум мақсадга интилиш нутқнинг доимий хусусияти бўлиб, маълум тарзда суҳбатдошга таъсир этиш натижасидир, чунки биз ҳеч қачон муайян мақсад ва вазифасиз гапирмаймиз. Шунингдек, нутқимизда ҳар доим ҳиссиётимиз ва гапирётган объектимизга муносабатимиз акс этади. Гапира туриб ишонтирамиз, тушунтирамиз, эътироз билдираамиз, маъқуллаймиз, кулаамиз, сирини фош қиламиз, танбеҳ берамиз ва ҳоказо.

Нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, кишиларнинг юксак маданиятли бўлишларини белгилайди. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохатлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этади. Ўқитувчи нутқи орқали ёшларга эркин ва мустақил фикрлашни ўргатиш нутқ тадбиркорлигини сингдириш билим даргоҳларида бош вазифа ҳисобланади. Нутқий чечанлик – нотиклик алоҳида қобилиятдир. Чинакам нотиклар нотиклик маҳоратига табиий қобилият билан бир қаторда ўз тили, нутқи устида тинимсиз ишлаш натижасида эришадилар. Нотиклик қадимий даврдан бери алоҳида маҳорат, санъат сифатида инсондаги махсус ноёб қобилият тарзида талқин этиб келинади. Шу туфайли нотикликни нутқ маданиятидан фарқлаш лозим, ҳар қандай оғзаки нутқ шакли нутқий маҳорат маъносидаги нотиклик бўлавермайди.

Нутқ воситалари орқали сўзлашиш, муомала жараёнидир. Сўнгги йилларда нутқ кишилар тил орқали бир-бири билан муомала, алоқа қилишнинг усули деб қаралиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Тил умумийлик, нутқ эса хусусийлик белгилари билан фарқланадиган ижтимоий ҳодисалар бўлиб, иккаласи ҳам жамиятга хизмат қилади. Оғзаки нутқда талаффузнинг аҳамияти катта. Гапга усталикни талаффуз равонлигидан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Оғзаки нутқда гап қурилишини ақл назорат қилиб боради. Бунда хотиранинг роли катта. Агар хотира суест бўлса, оғзаки нутқда гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик жиҳатдан боғланмай қолади.

Оғзаки нутқни шакллантириш ва такомиллаштириш кўпроқ, ёзма нутқнинг такомилга боғлиқ. Ёзма нутқ юқори даражада бўлмас экан, оғзаки нутқ кўнгилдагидек бўлмайди. Ёзма нутқда эса тил воситаларини танлаш ва

кўллашга тўлиқ имконият бўлади. Ёзма нутқни хоҳлаганча таҳрир қилиш мумкин. Ёзма нутқда оғзаки нутқдаги каби ҳаяжон бўлмайди. Нотик (ўқитувчи) шошилмасдан, ўйлаб нутқ тузади. Шу сабабдан ҳам ёзма нутқ оғзаки нутқдан кўра равон, аниқ ва изчилроқ бўлади. Ҳар қандай нутқни хоҳ у бадий, хоҳ у илмий ёхуд расмий бўлсин ёзма равишда ифодалаш иншо дейилади. Оғзаки ва ёзма нутқи равон бўлмаган нотик (ўқитувчи)нинг фаолиятини тасаввур қилиш қийин. Ўқитувчининг оғзаки ва ёзма нутқи барқарор ва қатъий бўлади, у ҳар доим аввалдан ўйланади ҳамда матнга туширилади. Таниқли нотикларнинг ҳеч бири ёзма нутқини такомиллаштирмасдан юқори мартабага эришмаганлар. Ёзма нутқ оғзаки нутқнинг ривожига бевосита таъсир этади. Оғзаки нутқ, асосан, ёзма нутқ асосида ривожланади. Ёзма машқлар бамисоли тафаккур машқларидир. Бирор воқеийлик ёки ҳодиса тўғрисида фикрлаш ёзма машқлар орқали такомиллашади. Нутқ бойлиги тилдаги ана шу имкониятлар, яъни бойликнинг унда қай даражада ўз аксини топганлиги билан белгиланади. Нутқда тилдаги ранг-баранг воситалар ўз ифодасини топган бўлса, бундай нутқ бой нутқдир. Ҳар бир киши ўз нутқига эътибор қилса, нутқ тузиш масъулиятини ҳис этса, нутқининг бой бўлишини таъминлаши мумкин.

Шундай қилиб, тил ва нутқ, тил маданияти ҳамда нутқ маданияти, шунингдек, тил бойлиги ва нутқ бойлиги тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Юқорида баён қилинганлар асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

- Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрларига риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчига айланмоғи лозим.

- “Нутқ маданияти” ўқув курси олий таълим муассасаларининг барча йўналишлари ўқув режасига киритилиши лозим.

- Нутқ маданияти, муомала одоби ва нотиклик санъати асослари бўйича радио ва телевидение дастурларида эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этиш зарур.

Хулоса ўрнида, самимийлик, хушмуомалалик, одоблилик, атрофдагиларга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар ҳам ўқитувчи нутқининг талабалар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Нутқ маданиятининг моҳияти, илмий йўналишининг сифати кўп жиҳатдан ўқитувчи маҳорати билан белгиланади ва келгусида бўлажак мутахассисларни ўқитиш, таълим-тарбия беришда ҳам илғор ва сифатли таълим беришга асос бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Соломахина, Т. Н., Михалева, И. М., & Шевченко, Е. В. (2017). Использование коммуникационных технологий в коррекционно-развивающей работе с детьми с ОБЗ. Молодой ученый, (16), 496-498.
2. Eshmurodova, G. X., & Xushmurodova, A. (2023). BOSHLANG'ICH SINFLARDA ONA TILI O'QITISH METODIKASI MODULINI TAKOMILLASHTIRISHDA LOYIHAVIY TA'LIMNING AHAMIYATI. Science and innovation, 2(Special Issue 4), 399-400.
3. Muxtimovna, M. N. (2024). BOSHLANG 'ICH SINF MATEMATIKA DARSLARIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH VA ULARNING SAMARADORLIGI. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 36(5), 164-169.
4. Sherzodjon o'g'li, H. U. (2024). Importance of International Programs and Foreign Investments In Ensuring Tourism and Economic Growth of Our Country. MARKAZIY OSIYO MADANIY ME'ROSI VA TURIZM TENDENSIYALARI JURNALI (ISSN: 3060-4834), 1(2), 6-10.
5. Parwoni, M., & Usmonjon, H. (2024). ISLAMIC FINANCE AND ITS IMPACT ON THE ECONOMY OF UZBEKISTAN. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION, 3(32), 242-245.
6. Sultani, G., & Usmonjon, H. (2024). STAGES OF INTEGRATION OF THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE DEVELOPMENT OF GLOBALIZATION. EDUCATION AND ECONOMY. MASTERS, 2(9), 74-79.
7. Sherzodjon o'g'li, H. U. (2024). THE ROLE OF AGRICULTURE IN THE DEVELOPMENT OF THE EXPORT POTENTIAL OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Лучшие интеллектуальные исследования, 28(1), 62-69.
8. Sherzodjon o'g'li, H. U. (2024). THE MAIN DIRECTIONS OF CHINA'S "ONE BELT-ONE ROAD" PROJECT AND THE IMPORTANCE OF UZBEKISTAN'S PARTICIPATION. Modern education and development, 9(1), 77-86.
9. Sherzodjon o'g'li, H. U. (2024). POSSIBILITIES OF USING CHINESE EXPERIENCE IN COMBATING POVERTY IN UZBEKISTAN. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi, 28(1), 52-58.